

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
1.	«Ўзбекистон қаҳрамони», Совет Иттифоқи қаҳрамони, Меҳнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер ва мол-мулк солиқларидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
2.	1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари, қатнаш-чилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белги-ланувчи уларга тенглаш-тирилган шахслар.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер ва мол-мулк солиқларидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
3.	Чернобиль АЭСда авария оқибатларини тугатишда жабрланган ва иштирок этган фуқаролар (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахслар).	Жисмоний шахслардан олинадиган ер ва мол-мулк солиқларидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
4.	I ва II гуруҳ ногиронлари.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер ва мол-мулк солиқларидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
5.	Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизатор, ветеринария врачлари ва техниклари, мутахассис ва ишчилари.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
6.	Ёлғиз пенсионерлар.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
7.	Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
8.	Шахсий пенсия тайинланган шахслар.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод қилинган.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
9.	Кўчириб келтирилган фуқаролар.	Келиб жойлашган ер участкалари бўйича -ер участкалари берилган пайтдан эътиборан <b>беш йилгача</b> .	Солиқ кодексининг 290-моддаси
10.	Якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича.	Ер участкалари бўйича – ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан <b>икки йил</b> муддатга.	Солиқ кодексининг 290-моддаси
11.	Боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
	<p>фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари.</p>		
12.	<p>Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно.</p>	<p>Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ерлари жумласига давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради.</p>	<p>Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.</p>
13.	<p>Соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари.</p>	<p>Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.</p>	<p>Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.</p>
14.	<p>Рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар.</p>	<p>Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.</p>	<p>Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.</p>
15.	<p>Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира</p>	<p>Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.</p>	<p>Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.</p>

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
	боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар.		
16.	Сув фонди ерлари.	Сув фонди ерлари жумласига сув хавзалари (дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув хавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
17.	Электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
18.	Умумдавлат алоқа линиялари эгаллаган ерлар.	Ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
19.	Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
20.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
21.	Умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари,	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
	муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар.		
22.	Шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
23.	Спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
24.	Аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш ҳудудлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
25.	Магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
	Ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар.		
26.	Магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
27.	Самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлқалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
28.	Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
29.	Консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
30.	Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
31.	Юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
32.	Ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар.	Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига куйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овладиган қимматли балиқлар увилдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
33.	Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
34.	Мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга.	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
35.	Янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга.	Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади.	Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисми.
36.	Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади.	Солиқ кодекси-нинг 282-моддаси иккинчи қисми.

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
	<p>фондидаги ерлари, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари.</p>		
<p><b>Уруш ногиронларига тенглаштириладиган шахслар РЎЙХАТИ</b>  <b>(Вазирлар Мақҳамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 2-илова)</b></p>			
а)	Собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини кўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар.		
б)	1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган, ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар.		
в)	Темир йўлнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, муҳофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ҳамда Ватан уруши йилларида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ходимлар.		
г)	Ватан уруши ва гражданлар уруши йилларида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар.		
д)	Ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар.		
е)	Ватан уруши даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар (тутқунлар, шу жумладан, болалар).		
ж)	Тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар.		

Т/р	Жисмоний шахс категорияси	Имтиёз тури	Имтиёз қўлланиши учун асос
з)	Ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар.		
и)	Ўқув машғулотлари ёки текшириш учун йиғинларга чақирилган ва шу йиғинларда ўз хизмат бурчларини бажараётган яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятли шахслар.		
<b>Уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар</b> <b>РЎЙХАТИ</b> <b>(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 3-илова)</b>			
а)	1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар, ва халқни химоя қилувчи отрядлар таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар.		
б)	Ватан уруши ва гражданлар уруши даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар.		
в)	Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ёки ҳаракатлар кетаётган жойларда хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг ҳамда оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар.		
г)	Ватан уруши даврида ҳаракатдаги армия ва флотлар таркибидаги қисмлар ҳамда бўлинмаларда балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғиллари ва юнгалар сифатида юрган шахслар.		
д)	Фронт яқинидаги темир йўлларда, мудофаа чизиғи иншоотлари қурилишида, ҳарбий-денфиз базалари, аэродромлар ҳамда Ватан уруши даврида ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар қурилишида иштирок этган ходимлар.		
е)	Ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган ёлланма ходимлар таркибидан бўлган шахслар.		
ж)	Ватан уруши даврида фашист концлагерлари (гетто ва зўрлик билан ушлаб туриладиган жойлар)да бўлган (тутқунлар, шу жумладан, болалар) шахслар.		
з)	Ленинград шахрининг қамал даврида шаҳарнинг корхона, муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилган ва "Ленинград мудофааси учун" медали ҳамда "Қамалдаги Ленинград фуқаросига" нишони билан тақдирланган шахслар.		
и)	1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10 ноябригача бўлган даврда Венгрия ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар пайтида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар.		
к)	Ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар.		